АКМАЛОВ Шоислом
Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси доценти, сиёсий фанлар номзоди

ЎЗБЕКИСТОННИНГ АФҒОНИСТОН БОРАСИДАГИ ЖАДАЛ СИЁСАТИ

ЭВОЛЮЦИОННАЯ ПОЛИТИКА УЗБЕКИСТАНА В ОТНОШЕНИИ АФГАНИСТАНА

UZBEKISTAN'S EVOLUTIONARY POLICY IN RELATION TO AFGHANISTAN

Annotatsiya. *Мақола Ўзбекистон Республикасининг Афғонистон муаммосини ҳал этиш борасидаги кейинги йилларда амалга ошираётган оқилона сиёсатининг мазмун-моҳиятини очиб бериш ва унинг бу мамлакатда вазиятни нормаллаштириш орқали Марказий ва Жанубий Осиёда барқарорлик ва тинчлик шароитини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг ролини ёритиб беришга бағишланган. Шунингдек, Ўзбекистон Давлати раҳбарининг бу кенгқамровли фаолиятдаги ижодкорлик ва оқилона ўрнини шарҳлашга ҳам эътибор қаратилган.*

Kalit so'zlar: *Афғонистон, ҳамкорлик, ташқи сиёсат, қўшни давлат, БМТ*

Аннотация. *Статья посвящена раскрытию сути рациональной политики Республики Узбекистан в последние годы по решению афганской проблемы, выявлению роли её мер, направленных на обеспечение стабильности и мира в Центральной и Южной Азии путём нормализации обстановки в этой стране. Особое внимание уделено раскрытию созидательной и рациональной роли Главы государства Узбекистан в этой широкомасштабной деятельности.*

Ключевые слова: *Афганистан, сотрудничество, внешняя политика, соседнее государство, ООН (Организация Объединенных Наций)*

Annotation. *This article explores the rationale behind the Republic of Uzbekistan's recent policy toward resolving the Afghan problem and the role of its measures aimed at ensuring stability and peace in Central and South Asia by normalizing the situation in that country. Particular attention is paid to the creative and rational role of the Head of State of Uzbekistan in this large-scale effort.*

Keywords: *Afghanistan, cooperation, foreign policy, neighboring country, UN (United Nations)*

КИРИШ

Глобал ва минтақавий хавфсизлик ва барқарор ривожланиш ҳақида гапирганда, албатта Афғонистон тўғрисида тўхталмаслик мумкин эмас. Афғон халқининг тинч ва осуда ҳаётга бўлган интилишини қўллаб-қувватлаш учун халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарур. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, бу давлатнинг яккаланиб қолишига йўл қўймаслик ўта муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-сессиясидаги нутқидан. 2025 йил 24 сентябрь

Ҳар қайси тарихий давр ва замонда Афғонистон ўлкаси йирик куч марказларининг доимий эътиборини тортиб келган. Зеро, ушбу ҳудуд жўғрофий нуқтаи назардан муҳим стратегик мавқега эга бўлиб, мамлакатлараро ва минтақавий савдо йўлларини боғлашда чорраҳа вазифасини бажарган. Бироқ, таассуфки, ана шу куч марказларининг геосиёсий рақобати сабабли Афғонистон ҳудуди барқарорлик ва тараққиёт макони эмас, балки низо ва зиддиятлар майдонига айланиб қолди.

Қўшни Афғонистондаги вазиятни оддий ҳолатга қайтариш, бу ўлкани тинчлик ва Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари билан минтақавий ишонч ва ҳамкорлик нормаларини мустаҳкамлашда, Ўзбекистон Давлат раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясидаги нутқида кўтарилган масалалардан контекст сифатида фойдаланиш, музокаралар учун нейтрал платформа, хавфсизлик кун тартибини иқтисодий кун тартиби билан боғлаш, қўшнилар ўртасида прагматик алоқаларни ўрнатишга йўналтирилган таклифлари зикр этилган вазифаларни тўлиқ адо этиш учун муҳим қонуний асос ва негиз бўла олади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Сал кам 50 йил мобайнида Афғонистон масаласи нафақат минтақавий, балки халқаро

хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шартларидан бирига айланди. 2021 йил августдан эътиборан АҚШ ҳарбий кучларининг Афғонистон ҳудудидан чиқиб кетиши ва ўша вақтларда “Толибон” деб аталган гуруҳнинг Кобул ҳокимиятини назоратга олинишидан кейинги йилларда Афғонистон мавзуси халқаро ҳамжамият эътиборидан тушиб қолиб, глобал муаммо мақомини деярли йўқотди. Бунга табиийки, Украина атрофидаги уруш ҳолати, Яқин Шарқдаги сиёсий-ҳарбий вазиятнинг кескинлашиши асосий сабаблардан бўлганлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатга айланди.

Шундай вазиятда Давлатимиз раҳбари БМТ 80-БА минбаридан яна бир Афғонистон масаласига дунё ҳамжамияти эътиборини қаратиб, афғон халқининг тинч ва осуда ҳаётга бўлган интилишини қўллаб-қувватлаш учун халқаро муносабатларнинг етакчи субъектлари – Афғонистон муаммосини бартараф этишга дахлдор давлатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарурлиги ва бу мамлакатнинг яккаланиб қолишига йўл қўймаслик ўта муҳим эканлигини яна бир бор таъкидлади. Бунинг замирида чуқур ҳақиқат мавжуд. Айнан Афғонистонга эътиборсизлик оқибатида келиб чиққан турфа зиддиятлар нафақат минтақага, балки халқаро ҳамжамиятга салбий таъсир кўрсатганига қисқа тарих шоҳидлик беради.

Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Президенти этиб сайланиши мамлакат тараққиётидаги туб парадигма ўзгаришларининг рамзи бўлди, деб ҳисоблайди ўзбекистонлик таҳлилчи Рустам Маҳмудов. Расмий Тошкент ўзининг ташқи сиёсат асосий константаларини қайта кўриб чиқди – асосий эътибор 1990-йилларда ва 2000-йилларнинг биринчи ўн йиллигида ҳукм сурган хавфсизликни максимал даражада ошириш устуворлигидан замонавий воқелик ва жаҳон иқтисодиётидаги тизимли муҳим тенденцияларга мувофиқ ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни таъминлашга қаратилди. Мутахассислар ушбу янги ташқи сиёсат курсини “иқтисодлаштириш” деб аташди [1,4]. Янги «иқтисодлаштирилган» ташқи сиёсатда Афғонистонга ҳам катта эътибор қаратилди, зеро АҚШнинг бу мамлакатда бўлиши жараёнида Афғонистон иқтисодиётига донорлик маблағларини кенг кўламда жалб қилиш даврида Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилари учун муҳим экспорт манзилига айланган эди.

Жўғрофий, геосиёсий ва геоиқтисодий омилларга кўра, Ўзбекистон Афғонистонга қўшни давлатлар орасида у ердаги тинчлик жараёнидаги асосий иштирокчи ҳисобланади. Ўзбекистонлик яна бир эксперт, “Маъно” тадқиқотлар Маркази (Тошкент) директори Бахтиёр Эргашевнинг фикрича, бу омил ҳисобга олинмаса, Афғонистонда тинчлик лойиҳаларини тўлиқ амалга ошириб бўлмайди. Шу боис сўнгги ўн йилликларда Ўзбекистон Афғонистондаги можарони ҳал қилишга қаратилган сиёсий ва иқтисодий ечимларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этди.

Россиялик таниқли афғоншунос олим Александр Князевнинг фикрига кўра, Ўзбекистоннинг кейинги йилларда Афғонистон борасидаги фаол сиёсати уни амалда нисбатан минтақавий етакчига айлантирди, буни муайян маънода Тошкентнинг кейинги йилларда амалга ошираётган кўп векторли ташқи сиёсат концепциясининг ҳосиласи сифатида кўриш мумкин. Афғонистонда 2022 йилдан эътиборан содир бўлаётган геосиёсий ўзгаришлар бутун минтақа ва Ўзбекистоннинг Россия учун аҳамиятини сезиларли даражада оширади. Афғонистонда барқарорликни сақлаш ҳам муҳим умумий мақсад сифатида намоён бўлади. Ўзбекистон Афғонистон масаласида энг конструктив ва ижобий позицияни эгаллаган давлатлар қаторига киради [2,89].

Бундай шароитда Ўзбекистоннинг Афғонистонга нисбатан ташқи сиёсати нафақат мамлакат миллий манфаатларига, балки бутун минтақа, шунингдек, Афғонистоннинг ривожланиш манфаатларига ҳам тизимли равишда изчил ва уйғун эканлиги билан тавсифланиши керак, деб хулоса қилади А.Князев.

Ўзбекистоннинг афғон можаросини ҳал қилиш бўйича позицияси дастлаб иккита асосий тамойилга асосланган эди:

(1) фақат ҳарбий ҳаракатлар орқали ҳал қилиш мумкин эмаслигини тан олиш;

(2) Афғонистондаги можароларни ҳал қилиш ва қайта қуриш дастурида иқтисодий компонентнинг роли ва аҳамиятини ошириш. Ўзбекистон изчил равишда иккита ўзаро боғлиқ ёндашувни қўллаб-қувватлади: иқтисодий

лойиҳаларда иштирок этиш ва Афғонистонга қўшни давлатлар, АҚШ/НАТО, Хитой ва Россия саъй-ҳаракатларини бирлаштириш бўйича параллел дипломатик саъй-ҳаракатларни амалга ошириш [3,59].

Дунёнинг энг мўътабар ташкилоти минбаридан “афғон муаммосини” яна тилга олиниши расмий Тошкентнинг 2017 йилдан эътиборан қўшни диёрга нисбатан амалий сиёсатининг фалсафий давоми сифатида қаралишини англатади, зеро Ўзбекистон бу ўлкада оддий ижтимоий-иқтисодий ҳаётни тиклаш учун амалга оширган мантиқий ва ҳалол ҳамда кенгкўламли чораи-тадбирлари нафақат икки давлат, балки Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларини ҳам бу масалаларга ечим топишга чорлади. Бу сиёсий курс Тошкентнинг туташ ўлкаларда амалга ошира бошлаган ташқи сиёсатининг Афғонистон билан боғлиқ ўқ масаласига айланиб, қўшни давлатлар учун бу муаммони ечишга ундаш учун жиддий туртки бўлди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Афғонистон Марказий Осиё минтақасининг бир қисми ҳисобланиб, икки мамлакат халқлари асрлар давомида ягона маданий-тамаддун маконда яшаб келган”. Шу маънода бугун Афғонистонга ҳар қачонгиданда кўпроқ кўмак бериш, уни ўз ҳолига ташлаб қўймаслик ва турли транспорт, энергетика ва бошқа лойиҳалар орқали мамлакат иқтисодиётини тиклаш фавқуллодда долзарблиги боз-боз таъкидланади.

Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги, 2018 йил март ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусидаги Афғонистон бўйича халқаро конференциясидаги чиқишларида ҳамда 2018 йил 15 март куни Остона шаҳрида [4,5], 2019 йил 29 ноябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи ва иккинчи Маслаҳат учрашувларидаги нутқларида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаларини тиклашга оид таклиф ва тавсиялари халқаро миқёсда қўллаб-қувватланиб келинмоқда.

2018 йил март ойида Тошкентда Афғонистон бўйича Ўзбекистоннинг ташаббуси билан ўтказилган халқаро конференцияда қабул қилинган Тошкент декларацияси Афғонистон ҳукумати ва “Толибон” ҳаракати ўртасида тўғридан-тўғри тинчликпарвар музокараларни зудлик билан бошлаш зарурлиги бўйича минтақавий ва глобал даражадаги ягона позицияни намойиш этди. Бу қадар самарали ташаббусни қудратли давлатлар ҳам илгари сура олмаганди.

Ўзбекистон халқаро миқёсда тинчликпарварлик, бағрикенглик ва ҳамдўстлик сиёсатини илгари сураётган мамлакат сифатида дунё ҳамжамиятининг эътиборини Афғонистон муаммосига қаратар экан, бу эзгу ният 2021 йил 15-16 июль кунлари Тошкент шаҳрида «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар» мавзусида халқаро конференция ўтказилганлигида ҳам ўз аксини топди. Бу ўз навбатида, мамлакатимизнинг Марказий Осиё минтақаси давлатлари билан яхши қўшничилик, дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, минтақанинг улкан тарихий-маданий ва ижтимоий-сиёсий салоҳиятини юзага чиқариш йўлидаги ташаббускорлигини ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги янги стратегик қарашларини ўзида ифода этди. Бу ниятнинг Ўзбекистон учун ўта муҳимлигини Ўзбекистон Республикасининг “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан баён этилган ғоялар ва ташаббусларни илгари суриш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қарорида акс топганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Аслида бу ҳужжат, қайсидир маънода, бу мамлакатларнинг Афғонистондаги таҳликали ва нобарқарор ижтимоий-сиёсий вазиятни оддийлаштириш жараёнларига бевосита жалб қилишни назарда тутган эди. Таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон томонидан намойиш этилган Афғонистоннинг янги ҳукмрон доиралари билан ўзаро ҳамкорлик модели диққатга сазовордир. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ Тошкент фақат таҳдид ва таҳдидлар манбаи сифатида қараган мамлакат эндиликда Марказий ва Жанубий Осиёни энг қисқа йўл орқали боғлаш, янги иқтисодий

имкониятлар ва бозорларни очишга қодир истиқболли кўприк сифатида кўрилмоқда.

Ўзбекистон Афғонистонни мақсадли савдо-иқтисодий алоқаларга жалб қилиш орқали, ўз ҳудудида афғон мутахассисларини тайёрлашга ҳамда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга кўмаклашиш йўллари билан мамлакатни тинчлик воситалари билан бошқаришга, қўшни мамлакатлар билан эса ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничилик усулларидан фойдаланиб, муносабат қилишга уннамоқда.

ХУЛОСА

Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги устувор мақсад бу, шубҳасиз, Марказий Осиё давлатлари билан ушбу йўналишда кенг қамровли ҳаракатларни амалга оширишдир. Ўз навбатида, сўнгги йилларда Марказий Осиёдаги янги минтақавий ҳамкорлик Афғонистон масаласида ҳам ягона позиция шаклланишига олиб келди. Хусусан, Марказий Осиё давлат раҳбарларининг 2019 йил Тошкент шаҳрида ўтказилган иккинчи Маслаҳат учрашуви доирасида қабул қилинган Қўшма баёнотда барча давлатларнинг Афғонистонда тинчлик ўрнатишдан манфаатдорлиги акс эттирилди. Бунда минтақа давлатлари Афғонистонни Марказий Осиё савдо-иқтисодий ва инфратузилмавий лойиҳаларга жалб этиш бўйича саъй-ҳаракатларни давом эттириш муҳимлигини таъкидлаб ўтди. Энг асосийси, Тошкентнинг Афғонистон йўналишидаги янгиланган сиёсати ва ташаббуслари бутун Афғонистонда — мамлакат аҳолиси, расмий ҳукумат, турли сиёсий кучлар томонидан муносиб кутиб олинмоқда.

Бундай шароитда Ўзбекистоннинг Афғонистонга нисбатан ташқи сиёсати нафақат мамлакатнинг миллий манфаатларига, балки бутун минтақа, шунингдек, Афғонистоннинг ривожланиш манфаатларига ҳам тизимли изчил ва уйғун эканлиги билан тавсифланиши керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Махмудов Р. Афганский вектор современной внешней политики Узбекистана. Аналитические заметки. 23 марта, 2023 // https://iais.uz/ru/outputnew/afganskiy-vektor-sovremennoy-vneshney-politiki-uzbekistana.
2. Князев А. Афганская политика Узбекистана: сравнительный контекст // https://cyberleninka.ru/article/n/afganskaya-politika-uzbekistana-sravnitelnyy-kontekst. 2023.
3. Эргашев Б. Внешняя политика Узбекистана в отношении Афганистана в постсоветский период: этапы, принципы, основные направления и результаты // https://cyberleninka.ru/article/n/vneshnyaya-politika-uzbekistana-v-otnoshenii-afganistana-v-postsovetskiy-period-etapy-printsipy-osnovnye-napravleniya-i-rezultaty. 2021.
4. Минтақа давлатлари ўртасидаги муносабатлар туб бурилиш касб этмоқда. Фикр. 2021 йил, 21 январ // Https://yuz.uz/news/mintaqa-davlatlari-ortasidagi-munosabatlar-tub-burilish-kasb-etmoqda.

ISSN 2181-9572